

ИСАҚДЖАНОВ Рамзиддин

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиши ЮНЕСКО кафедраси
катта ўқитувчиси,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТЕОЛОГИК МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА ИЛМИЙ МАНБАЛАР

НАУЧНЫЕ ИСТОЧНИКИ В ИЗУЧЕНИИ ТЕОЛОГИЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ

SCIENTIFIC SOURCES IN THE STUDY OF THE THEOLOGICAL HERITAGE OF ABU ALI IBN SINA

Аннотация: Шарқнинг буюк мутафаккири, “Шайхур-раис”, қомусий олим Абу Али ибн Синонинг илмий мероси ўзининг кўпқирралиги билан характерлидир. Унинг илоҳиёт соҳасига оид асарларини тадқиқ этишида гарб ва мусулмон олимларининг ёндашуви ҳам турличадир. Дин фа фалсафани уйғунлаштиришига уринган алломанинг теология соҳасидаги асарлари манбашунос, исломишунос ва динишунослар учун катта эшикларни очиб беради. Айнан Ибн Синонинг ислом манбаларига асосланган теологияси унинг илмий меросининг энг кам ўрганилган қисмидир

Калит сўзлар: метафизика, Алмагест, Ишироқ, аш-Шифо, ан-Нажот, Вожиб ал-Вужуд, оламнинг азалийлиги масаласи

Аннотация: Научное наследие великого мыслителя Востока «Шайхур-раиса», энциклопедиста Абу Али ибн Сины отличается многогранностью. Различен и подход западных и мусульманских ученых к изучению его трудов в области богословия. Работа теолога в области теологии, направленная на гармонизацию религии и философии, открывает большие двери для ученых-источников, исламских ученых и богословов. Именно богословие Ибн Сины, основанное на исламских источниках, является наименее изученной частью его научного наследия.

Ключевые слова: метафизика, Альмагест, Иширак, аш-Шифа, ан-Наджат, Ваджиб ал-Вуджуд, вопрос о вечности вселенной.

Annotation. The scientific heritage of the great thinker of the East «Shaykhur-raisa», the encyclopedist

Abu Ali ibn Sina is distinguished by its versatility. The approach of Western and Muslim scholars to the study of his works in the field of theology is also different. The theologian's work in the field of theology to harmonize religion and philosophy opens great doors for source scholars, Islamic scholars, and theologians. It is the theology of Ibn Sina, based on Islamic sources, that is the least studied part of his scientific heritage.

Keywords: metaphysics, *Almagest*, *Ishraq*, *Ash-Shifa*, *An-Najat*, *Wajib al-Wujud*, the question of the universe eternity.

КИРИШ

Ислом фалсафаси шаклланишида антик фалсафанинг манбавий асоси муҳим тамал тоши бўлиб хизмат қилди. Ислом дини шаклланишининг илк босқичларида кўпгина жамоалар тафсир ва ҳадислардан бошқа илмларни тан олишни истамаган бўлсаларда, кейинги даврларда юнон фанларига, хусусан, тиббиётга эҳтиёж сеза бошладилар. Эрон, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларга бориб, дастлаб тиббиёт илми, астрономия, география ва кимёни ўргана бошладилар.

АСОСИЙ ҚИСМ

IX аср ўрталарига келиб юнонларнинг фалсафа ва мантикга оид асарлари араб тилига таржима қилинди. Кейинроқ X аср ўрталарида антик илмлар кенг қулоч ёзиб, Куфа, Басра каби шаҳарларда янги ўзлаштирилган фанларни жамлаш, ҳулосалашга уриниш амалга ошди. “Соф биродардар” (Ихвон ас-Сафо) номини олган файласуф-олимлар бир тўғаракка бирлашиб, ўзига хос қомус яратдилар. Мақсад, фалсафа ва мантик ёрдамида исломни унга кириб келаётган ҳар хил ёт ғоялардан тозалашдан иборат эди. Бу қомус тўрт қисмни ўз ичига олган бешта рисоладан иборат бўлган:

биринчи қисм мантикдан иборат бўлиб, унда арифметика, геометрия, астрономия, география фани ўрганилган;

иккинчи қисм табиий фанлар ва инсон ҳақидаги илмдан иборат бўлган;

учинчи қисм борлиқ ҳақидаги илм; тўртинчи қисмга, илоҳиёт ҳақидаги илмлар кирган эди.

Мусулмон фалсафасига янгиафлотунчилар таълимоти Платон ва Аристотел таълимотларини бир-бирига келиштирган ҳолда қабул қилинди. Ўрта асрлар Европасидаги кўпгина

муаммоли масалалар мусулмон фалсафасида кўриб чиқилган ва ечилган эди. Бертельсни таъкидлашча, мусулмон мутафаккирларининг бу борадаги хизматлари Европа халқлари кириб қолган боши берк кўчадан фалсафий тафаккур туфайли чиқиб кетишида катта аҳамият касб этди.

Мусулмон фалсафасига янгиафлотунчилик таълимоти Плотиннинг “Эннеадалар” асари матнларидан олинган таржималар орқали кириб келди. Проклнинг “Илоҳиёт ҳақидаги китоб”идаги “Аристотел илоҳиёти”га киритган кўчирмаларини Исҳоқ ибн Хунайн (910 йил в.) нинг “Оламнинг абадийлиги ҳақида” номли асарида кўриш мумкин. Мусулмон файласуфларига янгиафлотунчиликнинг таъсири Платон ғоялари орқали ҳам таъсир кўрсатган эди. Буни хусусан, Эрон энциклопедик олими, табиби ва файласуфи Абу Бакр Розий (865-925) ва Абу Наср Форобий мисолида яққол кўриш мумкин. Мутафаккирлар Платон ва Аристотел таълимотларини, ҳамда янгиафлотунчиликни ўрганиб, Аристотел ва Платон ғояларининг ички бирлигини мувофиқлаштирувчи, улар орасидаги қарама-қаршилиқни бартараф этадиган фалсафий таълимотларни олиб чиқдилар. Муаллимуссоний Форобий қаламига мансуб “Икки файласуф: Афлотун ва Арасту ғояларининг ўзаро мувофиқлиги” асари бунга яққол мисолдир. Улар янгиафлотунчиликдаги эзгулик, бу биринчи борлиқ бўлган Ақл ёки ўз – ўзини билувчи Ақл экани ҳақидаги фикрларни олиб чиқдилар. Шунингдек, Абу Али Ибн Сино ҳам мусулмон диний фалсафасини янгиафлотунча тарзда тушунтириб ўтди. Абу Ҳомид Ғаззолий ҳам янгиафлотунчиликни ислом таълимотлари асосида кўриб чиқишни ёқлаб чиқди.

Тасаввуф тарихида “Ишрок” таълимотини илгари сурган, суфийликдаги Сухравардия тариқат мактабининг асосчиси бўлган Шаҳобиддин Сухравардий (1155-1191) ҳам Ибн Сино, Ғаззолийларнинг мазкур қарашларини давом эттириб, эманация ҳақидаги ғояларни олиб чиқган эди.

Мусулмон фалсафасининг пайдо бўлиши Ғарб тамаддунини юнон фалсафаси билан узвий боғлаб берувчи муҳим поғона бўлиб хизмат қилди. Олим А. В. Койре (1892-1964) фикрича, араблар латин ғарбининг устозлари ва тарбиячилари бўлдилар. Юнон

мутафаккирларининг китоблари латин тилига юнон тилидан эмас, балки араб тилидаги изох ва таржималардан олинди ва шундан келиб чиқиб Ғарбда қадимги юнон тилини биладиган кишилар йўқлиги туфайли эмас, балки Аристотелнинг “Физикаси” ёки “Метафизикаси” ёки Птолемейнинг “Алмагести” каби мураккаб асарларини Форобий, Ибн Сино ёки Ибн Рушдлар ёрдамисиз тушуниш мумкин бўлмай қолгани туфайли, содир бўлган эди.

Немис олими Ф.Иберверг томонидан “башариятнинг биринчи оқилларидан бири” сифатида таърифланган, бутун жаҳонга донғи кетган таниқли қомусий аллома ва ажойиб мутафаккир Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино мусулмон Шарқи халқлари орасида “Шарафул мулк ” ва “Шайхур раис” каби мартабали унвонларга муяссар бўлган буюк шахсдир.

У.Каримовнинг тахминига кўра, бизгача алломанинг 242 асари етиб келган. Улардан 80 таси фалсафа, илоҳиёт соҳаси ва тасаввуф таълимоти, 40 таси тиббиёт, 19 таси мантиқ, 26 таси психология (руҳшунослик), 23 таси табиатшунослик, 7 таси астрономия, 1 таси математика, 2 таси алхимия, 9 таси ахлоқ-одоб, 4 таси адабиёт ва 8 таси эса ўша вақтдаги олимлар билан илм-фаннинг турли муаммоларига тааллуқли ёзишмаларга тегишлидир [1:109].

Таниқли шарқшунос олим А.Ирисов Ибн Синонинг фалсафага доир асарлари сонини бир қанча манбаларга суяниб, 68 тадан 198 тагача эканлигини келтириб ўтади [2:172].

Аллома яратган асарлар жаҳон халқлари маънавий-маданий мулкига айланди. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, ўн саккиз жилддан иборат “Китоб аш-Шифо”, “Китоб ан-Нажот”, “Рух ҳақида китоб”, “Ал –Ишорот ват-танбиҳот”, “Қурола-йэ табиат” (“Табиат дурдонаси”), “Рисолаи тадбири манзил” (“Оилавий бахт-саодатга эришиш тадбири ҳақида рисола”) ва қатор бошқалар асрлар давомида турли фан соҳалари мутухассисларининг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда [3:69].

Ибн Синонинг фалсафага оид фикрлари унинг бу мавзудаги таълифлари билан бирга бошқа олим ва файласуфлар ўртасида кечган савол-жавоблар ичида ҳам кўплаб учрайди. Шу билан бирга, файласуфнинг бошқа шахсларга ёзган рисола, рикъа, хатлари, турли-туман диний мавзуларда ёзилган асарлар, шарҳ ва тафсирлар

унинг дунёқарашини ўрганишга яхши материал бўлиши мумкин. Фалсафага доир унинг энг йирик, шоҳ асари “аш-Шифо”(18 жилд)дир. Унинг қисқартмаси “ан-Нажот”номли китоб 4 жилддан иборат. Шунингдек, “Донишнома” ҳам энг йирик фалсафий асар ҳисобланади. Бу китоб 1957 йилда Душанбеда А.М.Богоутдинов томонидан рус тилига таржима қилинган.

Ундан ташқари, Ибн Сино мероси ва ижодини ўрганишда ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзма асарларни ўрганиш ҳам катта аҳамият касб этди. Бу борада Ибн Синонинг институт фондида сақланиб келаётган қўлёзма асарларини ўрганиш, уларни тавсиф этиш ва бу тавсифларнинг қўлёзмалар каталогига чоп этилиши билан олим ижодини ўрганишга яна бир қадам қўйилди... Шундай ишлардан бири ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти томонидан чиқарилган “Ибн Синонинг Шарқшунослик институтидаги мавжуд асарлари” библиографиясидир. Библиографияни таниқли олим Содиқ Мирзаев тузган эди. С.Мирзаев Ибн Синога тегишли ҳар бир асардан муаллиф кузатган мақсадни қисқа хулосалаб баён қилиб берган. Библиографияда институт фондидаги Ибн Синога тегишли барча қўлёзма ва босма китоблар ҳақида ҳам маълумот берилган... [2:19]. Шу ўринда С.Мирзаев каби Шарқшунослик институти олимларининг Ибн Сино меросига оид тадқиқотларини эътироф этиш зарурдир. Мазкур олимлар мустабид тузум даври бўлишига қарамасдан кўпгина нодир манбаларни нафақат сақлаб қолдилар, балки улар бўйича тадқиқотлар олиб бордилар.

Сўнгги йилларда М.Болтаев ЎзССР ФА Фалсафа институти чиқарган “Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир очерклар” деган китобида “Ибн Синода билиш назарияси ва логика”, “Ибн Синонинг ижтимоий-сиёсий қарашини” деган боблар автори сифатида қатнашди. Москвада Б.Э.Биховский “Ибн Синонинг фалсафий мероси” мақоласини эълон қилди. С.Н.Григорян ўрта аср Шарқ фалсафаси устида олиб борган тадқиқотларини яқунлаб докторлик диссертациясини ёқлади. Орадан кўп вақт ўтмай унинг “Ўрта Осиё буюк мутафаккирлари” рисоласи, “Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ўрта аср фалсафаси” китоби ҳам нашр этилди [2:29].

Мустақиллик йилларидан сўнг Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудида ҳам Ибн Сино теологиясини тадқиқ этишга бағишланган бир қанча диссертациялар амалга оширилди. Санкт-Петербург Давлат Университетида 2000 йилда Садыков Рауф Гайсиновичнинг “Человек и мир в философии Ибн Сины” мавзусидаги фалсафа фанлари бўйича кандидатлик диссертацияси ёзилди. Унда тадқиқотчи Ибн Синонинг борлиқни ўрганишдаги методини тадқиқ қилиб, аллома “экстраполяция” методидан фойдаланганлигини айтиб ўтади [4:8]. Диссертацияда тадқиқотчи Ибн Синонинг олам ҳақидаги таълимоти қарама-қарши фикрлардан иборат эканлигини айтиб, бир томондан олам эманация орқали вужудга келганига кўра у вақтда яратилган, демакки, уни бир вақтнинг ўзида эмас, балки вақт орқали яратилади дейилади. Иккинчи томондан Ибн Сино оламнинг абадий эканлигини айтади, бу эса оламнинг яратилганига шубҳа уйғотади, яъни бу таълимотга кўра олам доим ҳозирги вақтдаги каби мавжуд бўлган деган хулоса келиб чиқади [4:8]. Садиқов Р.Г. Ибн Синонинг монотеизмга оид бир қанча қарашларини кўрсатиб ўтади. Биринчиси Вожиб ал-вужуд таълимоти, иккинчиси материянинг абадийлиги масаласи, учинчиси Худони суфиёна англаш таълимоти – пантеизм, тўртинчиси Ибн Сино худони фалсафий англаш билан бирга Аллоҳ деб аталувчи диний англашни ҳам тан олади. Тадқиқотчининг фикрига кўра Ибн Синонинг теологик қарашда Худони фалсафий англаш билан бир қаторда диний англаш ҳам ёнма-ён келади.

Тожикистон Республикаси Фанлар Академияси академик А.М.Богоутдинов номидаги Фалсафа институтида 2010 йилда Ниёзов Ёрмаҳмад Бобоевичнинг «Философия Ибн Сины в оценке современных арабских исследователей» мавзусида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқланди. Бу диссертацияда тадқиқотчи араб тадқиқотчиларидан Жамил Салиб фикрларини келтириб, Ибн Сино муаммоларни ҳал қилишда Арастудан кўра Афлотунга яқин бўлганлигини таъкидлайди. Лекин, Ниёзов бу фикрларни рад этиб, Ибн Сино Афлотуннинг онтологик концепциясини тан олмаганлигини, унга қарши бир қанча раддиялар эълон қилганлигини келтиради.

Шунингдек, тадқиқотчи Салиб фикрларини келтириб, Мумкин ал-вужуд Вожиб ал-Вужуд туфайли вожиблик даражасига кўтарилади [5:10].

Тожикистон Республикаси Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг Фалсафа тарихи бўлимида 2005 йилда Рахимов Мухсин Хусейнович «Антропология Абу Али ибн Сины» мавзусида фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. Унда тадқиқотчи Ибн Синонинг фалсафий системасида теология биринчи фалсафа- метафизикадан айро эмаслигини таъкидлайди. Кейинчалик алломанинг фанлар классификациясида теологияни фалсафадан ажратиб кўрсатади. Ибн Синога тегишли кўпгина рисолалар ислом дини таълимотлари асосида ёзилганлиги ҳақидаги фикрни тадқиқотчи илгари суради [6:18]. Бу каби асарларга “Ал-Мабдаъ вал маъод”, “Муршид-ул-кифоя”, “Тахсил-ус-саодат”, “Файзи илоҳий” каби асарларни келтириш мумкин. Тадқиқотчи Рахимов М.Х.нинг фикрига кўра ислом дини ва унинг муқаддас китоби Қуръони карим Ибн Сино дунёқараши учун ғоявий манба бўлиб хизмат қилган. Ибн Сино таълимотидаги диний асосларни тадқиқ қилишда аллома ижодидаги суфийлик таълимоти таъсирини таъкидлаш зарурдир. Ибн Сино метафора ва аллегория тилидан фойдаланган ҳолда ҳаётнинг маъноси, инсон тақдири ва бахт ҳақидаги тасаввурлар каби суфийликдаги ва фалсафий масалаларни тушунарли тарзда тушунтириб беришга эришган.

Садриддин Айний номидаги Тожикистон давлат педагогика университетининг Фалсафа ва маданият кафедрасида 2012 йилда Султонов Сокибой Аслонбойевич “Ибн Сина в философской традиции Франции” мавзусида фалсафа фанлари номзодлиги учун диссертация ёқлади. Тадқиқотчи диссертацияда қайд этишича, Ибн Синонинг ғарб файласуф ва теологлари орасида катта обрў-эътиборга эга бўлагнлигини сабаби, унинг таълимотини христиан теологияси асосчиларидан бири Августиннинг таълимоти билан айнанлигидадир. Европада Ибн Синонинг ҳурмат қозонганининг яна сабабларидан бири, аллома фалсафа билан динни келиштиришга ҳаракат қилгандигидир.

Ибн Сино ижодини кўп чет эл муаллифлари ҳам қаламга олганлар, улар кўпинча алломага файласуф сифатида ёндашганлар, чунки Абу Али бу соҳанинг етакчи ҳакимларидан бири бўлган эди. Унинг асарлари араб тилида ёзилганлиги учун Ибн Синони чет эл олимлари араб файласуфи деб атайдилар, бунга алломанинг араб тилидаги китобларини мисол қилиб оладилар. Чунки Ибн Сино даврида мусулмон Шарқида араб тили илмий тил ҳисобланар, бу тилда асар ёзиш одат тусига кирган эди. Ҳатто ҳозир Ибн Синога нисбат бериладиган шеърларнинг кўпчилиги ҳам араб тилида ёзилган эди. Тарихий зарурат тақозоси билан у ҳозирги Эроннинг баъзи шаҳарларида яшаган ва шу ерда вафот этганлиги учун улар Абу Алини ўз олимлари деб атайдилар [2:8].

Карра де Во фикрига кўра Ибн Сино метафизикаси иккита тенденциядан иборат: мавжудлик ва сабабият босқичларидан. Вожиб ал-вужуд – сабаб, мумкин ал-вужуд – оқибат ҳисобланади. Корбеннинг фикрича, Ибн Синонинг борлиқ ҳақидаги фалсафасини тушуниш учун унинг “Хикмат ал-машриқийин” асарини тўлиқ англаб етиш керак. Худо биринчи эманация ёки Биринчи Ақлдир. Ундан Иккинчи Ақл келиб чиқади. Ақлдан бошқа бир Ақлни келиб чиқиши ўнинчи Ақлгача давом этади. Корбеннинг фикрича, ўнинчи Ақл бу, айнан файласуфлар иборасидаги “фаол ақл” ёки мутакаллимлар иборасидаги “Рух ул-қудс”дир [7:15].

Ибн Синонинг сеvimли шогирди ва дўсти Абу Убайд Жузжоний ўз устози асарларининг феҳрестини тузиб, унинг 25 га яқин ёзишмасини ва савол-жавобларининг номларини келтиради [8:42]. 1980 йилда Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти томонидан чоп этилган “Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига” китобида мазкур асардан жой олган Ибн Синонинг дин ва мутакаллимлар ҳақидаги фикрлари ўрин олган:

Мутакаллимлар билан бўлган ёзишмалар. Бу ёзишмалар хусусийроқ аҳамиятга эга бўлиб, уларда Ибн Сино мутакаллимларни илм-фан, фалсафа ва ақл далилларини сохталаштиришда ва уларни дин, илоҳиётни асослашда фойдаланаётганлари хусусида танқид қилади ва қоралайди [9:90].

Ибн Сино фалсафаси унинг рисолаларида келтирилиш тартибига кўра 4 қисмдан иборат: мантик, табиёт, риёзиёт, илоҳиёт (метафизика).

Мазкур бўлимлардан илоҳиёт ёки метафизика қисми ҳозирги кунда диншунослик, ислом фалсафаси соҳасидаги тадқиқ этиладиган долзарб мавзулардан биридир. Шунинг учун метафизика атамасига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ибн Синонинг 18 жилдлик “аш-Шифо” сига кирган йирик фалсафий асарларидан бири “ал-Илоҳиёт” (“Метафизика”) китобидир [10:2]. Асар ўн мақола ва олтмиш бир фаслдан иборат. Ибн Синонинг бу асарига Аристотелнинг “Метафизика” асари асос бўлган. Аристотель асари аслида ўн тўрт мақоладан иборат бўлиб, мақолалар ўзаро алифбо тартибида жойлашган.

Ибн Сино метафизикаси ҳақида чуқур тадқиқотлар олиб борган олим А.В.Сагадеев Шарқнинг бирон бир перипатетиги Ибн Сино билан беллаша олмаслигини айтади. Шу билан бир қаторда унинг фалсафий ғояларига берилган баҳолар ва шарҳларнинг қарама-қарши фикрлардан иборат эканлиги билан ҳам беллаша олмайди. Ҳозиргача Ибн Сино шахсига оид баҳслар давом этмоқда [11:91],

Кўп йиллар мобайнида алломанинг фалсафий тафаккурига оид изланишлар олиб борилаётган бўлсада, ҳозирги даврда баҳсли ҳисобланган баъзи манбалар мавжуд бўлиб, мазкур манбалар Абу Али Ибн Сино ижодига тегишли бўлиб, булар ўз тадқиқотчи ва изланувчиларини кутмоқда. Мазкур асарлардан бири “ал-Ҳикма-ал-машриқия” (“Шарқона фалсафа”) китобидир.

Мусулмон тарихчиси Ибн Қифтий Абу Али Ибн Сино фалсафий рисоалари тўғрисида маълумот келтириб, файласуф “Шарқ фалсафаси” китобини ёзганлигини қайд этиб ўтади.

Абу Али Ибн Синонинг форс ва араб тилида ёзилган асарларини рўйхатини Фаридун Жунайдий ишлаб чиқиб, мутафаккирнинг “Расоил фи асрор ал-ҳикма ал-машриқия” ва “Фи асрор ал-ҳаким ал-машриқий” асарларини келтириб ўтган.

Артур Сагадеев Ибн Сино фалсафий таълимотини ўз монографиясида тадқиқ этиб, файласуфнинг “Шарқ фалсафаси” ва “Шарқликлар мантиғи” асарлари Оксфорд ва Истамбулда сақланаётганини қайд этиб ўтган.

Шунингдек, аллома ўзи асари муқаддимасида ушбу “Шарқ фалсафаси” асари “ан-Нажот” китобидан кейин, “Китоб

ал-Лавоҳиқ”дан эса олдин ёзилган. “Китоб аш-Шифо” ҳамда “Китоб ал-Лавоҳиқ” китобларидан ташқари “Шарқ фалсафаси” асари мавжудлиги айтиб ўтилган. Италиялик шарқшунос К.Ф.Наллино Ибн Сино асарларини бундай қисқартма номини Ибн Туфайл қайд этганини мақоласида келтирган. Мазкур маълумот “Китоб аш-Шифо” асарининг Санкт-Петербург Давлат Университети хазинасида № 2099 рақам билан сақланаётган қўлёзмасида ҳам таъкидлаб ўтилган.

Умуман олганда, Ибн Синонинг умумий 350га яқин китоблари бўлиб, 240 дан зиёди жаҳон кутубхоналарида сақланмоқда.

Д.Файзиходжаева ўзининг “Абу Наср ал-Фаробий ва Абу Али ибн Сино мантиқий исботлаш ҳақида” китобида Ибн Синонинг мантиқий исботлашга оид таълимотларини илмий таҳлилидан келиб чиқиб айтадики, улар чинлиги исботланиши талаб қилинган фикрлар ҳар бир фанда ўзига хос бўлишини таъкидлаган ҳолда, исботлашнинг конкрет мазмундан қатъий назар, барча исботлашлар учун умумий бўлган томонларни аниқлаб бердилар:

Чинлиги шубҳа туғдирмайдиган, исботланиши талаб қилинмайдиган, лекин ўзи исботлаш учун асос, аргумент бўлиб хизмат қиладиган фикрлар, яъни бошланғич билимлар мавжуддир. Улар орасида тажриба натижаси бўлган билимлар ҳақиқатга эришишда, тезисни чинлигини исботлашда ниҳоятда муҳимдир [12:132].

Ибн Сино тафсир, ақоид мавзуларида ҳам асарлар ёзган. Мазкур асарлар аллома даврида кўпчиликни қизиқтирган масалалар, унга берилган саволларга жавоблар тариқасида ёзилган рисоалардир. Чунончи бундай асар қўлёзмаларининг бир қисми ЎзР ФА ШИ қўлёзма фондида сақланади. Улардан масалан: “Рисолат меърожия” (Меърожга оид рисола), “Рисола фи анна ло маҳофата лилмавт” (Ўлимнинг хавфи йўқлиги ҳақидаги рисола), “Асрор ас-салот” (Намоз сирлари), “Тафсир суврат кул хуваллоху аҳад”. Шунингдек, мутафаккир “ал-Фалақ” ва “ан-Нос” сураларига ҳам тафсирлар ёзган.

Тафсир илмида ислом уламолари ахли сунна муфассирлари тафсирларини қабул қиладилар. Гап шундаки, Ибн Сино тафсири фалсафий тафсир туркумига кириб, бу каби тафсирлар уламолар томонидан қабул қилинмайди. 110 бетдан иборат биздаги учта сурага оид

тафсирда Ибн Сино оятларни ҳам грамматик, ҳам мантикий таҳлил қилиб, Вожиб ал-Вужуд таълимотини илгари суради. Араб тили билимдонлари бу тафсир нақадар нозик дид ва билим билан ёзилганини кўришлари мумкин. Тўғри, биз Ҳанафийлик мазҳаби таомилига риоя қилган ҳолда Ибн Сино тафсири кенг ёйиш тарафдори эмасмиз. Лекин, бу каби тафсирларни тушуниш учун кишидан фалсафа, калом, араб тили грамматикаси, мантиқ каби билимларни чуқур билиш талаб этилади.

Абу Али Ибн Сино илоҳиётига доир қарашлари акс этган тадқиқот манба сифатида Ғаззолий қаламига мансуб “Таҳофут ал-фалосифа” китобидир. Ғаззолийнинг ошқора қайд этишича, уни “Таҳофут ал-фалосифа”ни ёзишга ундаган нарса диннинг ҳимояси эди. Чунки, бир эркин фикрловчи гуруҳ пайдо бўлиб, қадимги дунё фалсафасини Сукротдан тортиб Аристотельгача кўкларга кўтариб мақтадилар ва уларни ҳам ўзларидек, худосиз деб билдилар. Ваҳоланки, агар ушбу файласуфларнинг таълимотларини чуқурроқ ўрганганларида эди “қадимги ва янги файласуфларнинг ҳар бирининг маънавияти” икки диний асосга, яъни Худованднинг борлиги ва жазо кунининг ҳаққонийлигига боғлиқлигини идрок этар эдилар. Бундай эътиқоднинг моҳияти ҳаммада бир хил. Аммо унинг ташқи кўринишлари бир-биридан фарқ қилади.

Ғаззолий фикрича, диний илмлар нуқтаи назаридан фалсафий илмлар жумласига қирадиган риёзиёт ва мантиқ бутунлай бир-бирига мос келади. Аммо файласуфларни хатоларга ва адашишларга бошлайдиган табиатшунослик ва метафизика (ма баъд ал-табаи)га ўхшаш илмлар бидъатлар асосидадур [13:9].

Бу соҳада уч файласуфнинг ижоди диққатга сазовордир: биринчи Аристотель бўлиб, фалсафий илмларни тартибга келтириб тўлдирди. Кейин Форобий ва Ибн Сино ислом оламида Аристотель фалсафасини бошқатдан ишлаб чиқиб, уни шархладиларки, натижада унинг ўзидан кам бўлмаган обрў ва эътиборга сазовор бўлдилар. Бу уч файласуф қарашларини рад этиш, бошқа фалсафани танқид қилувчилар учун етарли эди.

Шунинг учун Ғаззолийнинг мусулмон янги Платончиларига қилган хужуми аслида билвосита уларнинг устози бўлган

Аристотельга қаратилган эди. У динга бевосита алоқаси бўлган метафизикадаги 16 масала ва табиатшуносликдан олинган 4 масалани мўминлар эътиқодини сусайтирмаслиги учун диққат билан қараб чиқди. Бу масалалардан учтаси диний нуқтаи назардан бошқалардан кўра танбеҳ ва маҳкум қилишга сазоворроқдир. Уларга ишонувчиларни муртад (диндан қайтган) деб эълон қилиш мумкин. Бу уч масала куйидагилардан иборат: оламнинг азалийлиги, Худованд илми фақат умумий эканлиги ва жисмоний қайта тирилишнинг инкор этилиши.

Қолган 17 масала Ғаззолий фикрича, “куфр” эмас, балки “бидъат”дир. Бу масалаларнинг кўпчилигини исломда бидъат саналувчи муътазила каби фирқалар ҳам таъкидлайдилар. Шунинг учун уларнинг айтганларини ҳам муртадликка тенглаштирмаслик керак. Шунга қарамасдан тор фикрловчи мутаассиблар уларни муртадликда айбладилар. Ғаззолийнинг ўзи бундай тор доирада фикр юритишдан парҳез қилар эди.

Ибн Рушд илоҳиёт соҳасининг олими Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг фалсафий қарашларига раддия сифатида, айниқса унинг “Таҳофут ал-фалосифа” (Файласуфларни рад этиш) асарига “Таҳофутат-таҳофут” (Раддиянинг рад этилиши) асарини ёзади. Бу асарда Ибн Рушд Ғаззолийнинг қарашлари, жумладан илмий билишдаги баъзи бир иррационалистик ғояларни танқид қилади. У ўзининг ушбу асарида қимматли фикрларни ўртага ташлайди. Масалан, “азалий, абадий” сўзи ҳақида гапирадилар. Баъзилар буюк ўзгаришларни азалий ҳисоблаш жоиз деб ўйлайдилар. Масалан, карромийларга кўра, азалийликда вақтинчалик истак мавжудлиги назарда тутилса, қадимгиларга кўра эса, биринчи материянинг азалийлигига қарамасдан, келиб чиқиши ва йўқ бўлиб кетиши назарда тутилади. Шунингдек, ўз қувватига эга бўлган ақл тушунчаси ҳам шунга ўхшашдир, гарчи кўпгина мутафаккирларни фикрига кўра, у абадий бўлса ҳам. Яна шундай ўзгаришлар ҳам борки, уларнинг таърифи ақлга тўғри келмайди.

Ибн Синонинг “Тадбири манзил” асарида одам хилқати азалдан ахлоқсиз ёки ахлоқли бўлмайди, дейилади. Инсондаги сифатлар жамият ҳаётда асталик билан ўзининг ва бошқа кишилар тажрибаси, аждодлар анъаналари, расм-русумлар, таълим-тарбия,

урф-одатлар, инсонларнинг маънавий-ахлоқий муносабатида ўзида юксак фазилатлар, хислатларни шакллантиради ёки мавжуд салбий ҳошиш-истаклар туфайли худбин кайфиятларисканжасида қолади.

ХУЛОСА

Ибн Сино теологик таълимотини ўрганишга оид манбаларни бирламчи, назарий ва методологик сифатида кўриб чиқишимиз мумкин.

Бирламчи манба сифатида Ибн Синонинг “Аш-шифо”, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Таҳофут ал-фалосифа”, Ибн Рушднинг “Таҳофут-ат-таҳофут”, Ибн Синонинг тафсири каби асарларни мисол келтириш мумкин.

Назарий манба сифатида А.Ирисовнинг “Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси”, Д.Файзихўжаеванинг “Абу Наср ал-Форобий ва Абу Али ибн Сино мантикий исботлаш ҳақида”, Саййид Мухаммад Хотамийнинг “Ислом тафаккури тарихидан”, Фредерик Старрнинг “Утраченное просвещение”.

Методологик манба сифатида: Отабек Махмудовнинг “Европада Марказий Осиё олимлари илмий меросини ўрганишда Толедо мактабининг ўрни (XII–XIII асрлар)” номли диссертациясини, Садыков Рауф Гайсиновичнинг “Человек и мир в философии Ибн Сины” мавзусидаги фалсафа фанлари бўйича кандидатлик диссертациясини, Ниёзов Ёрмаҳмад Бобоевичнинг «Философия Ибн Сины в оценке современных арабских исследователей» мавзусида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияни, Рахимов Мухсин Хусейновичнинг «Антропология Абу Али ибн Сины» мавзусида фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияни, Султонов Соқибой Аслонбойевичнинг “Ибн Сина в философской традиции Франции” мавзусида фалсафа фанлари номзодлиги учун ёзилган диссертацияларни мисол қилиб келтириш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Каримов У. Буюк аллома // – Тошкент: Шарк юлдузи, 1989. – № 11. – Б. 199.
- Ирисов А. Абу Али Ибн Сино. Ҳаёти ва ижодий мероси. – Т.: Фан, 1980. – Б. 172-173.
- Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фанлар тарихининг муҳим босқичлари / Муаллифлар жамоаси. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007. – Б. 69.
- Садыков Р.Г. Человек и мир в философии Ибн Сины: автореф. дисс. ... к.филос.н. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государственный университет, 2000. – С. 8.
- Ниёзов Ё.Б. Философия Ибн Сины в оценке современных арабских исследователей: автореф. дисс. ... к.филос.н. – Душанбе: Институт философии им. ак. А.М.Богоутдинова АН РТ, 2010. – С. 10.
- Рахимов М.Х. Антропология Абу Али ибн Сины: автореф. дисс. ... д.филос.н. – Душанбе: Институт философии и права АН РТ, 2005.
- Султонов С.А. Ибн Сина в философской традиции Франции: автореф. дисс. ... к.филос.н. – Душанбе: Таджикский государственный педагогический университет им. Садриддина Айни, 2012. – С. 15.
- Мажмуъат расоил ал-ҳукамо. ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаси. Инв. № 2385-ХI, – Б. 41-42.
- Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. Тўплам. – Тошкент: Фан, 1980.
- Ибн Сино. Ал-Илоҳиёт / Тақдим Иброҳим Мадкур, таҳқиқ Қанавотий ва Саид Зоид. – Қоҳира, 1960. – 478 б. (تأيهلالا. انيس نيا. مھاريا جديقت. تاياهلالا. انيس نيا. 478 ص، 1960، فزهاقلا، دناذ ديعسو ىطاوانق قيقحت، روكم)
- Абу Али Ибн Сина. К 1000-летию со дня рождения. – Ташкент: Фан, 1980. – Б. 91.
- Файзиходжаева Д. Абу Наср ал-Форобий ва Абу Али ибн Сино мантикий исботлаш ҳақида. – Тошкент: NISHON-NOSHIR, – 2013. – Б. 132.
- Ғаззолий. Таҳофут ал-фаласифа / Доктор Али Бумалху таҳрири ва шарҳи остида. – Байрут: Дор мактаб ал-ҳилол, 2002. – Б. 9.
- Роузентал Ф. Торжество знания: Концепция знания в средневековом исламе. – М.: Наука, 1978.
- Рудолф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. – Алматы: Фонд «XXI век», 1999. – 295 с.
- Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: Имом ал-Бухорий жамғармаси нашри, 2001.
- Сагадеев А. В. Ибн Сина (Авиценна). – М.: Наука, 1985.
- Сирожиддинов Ш. Ислом фалсафасига кириш: Калом илми. – Т.: Иқтисод-молия, 2008.
- Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. – Т.: Шарк, 2002.
- Степанянц М.Т. Восточная философия. Вводный курс. Избранные тексты. – М.: Издательская фирма Восточная литература РАН, 2001.